

8-1-2018

THE ESSENCE OF INVESTMENT ACTIVITY IN THE AGRICULTURE BRANCH AND ITS DETERMINING FACTS

D. Husanov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Husanov, D. (2018) "THE ESSENCE OF INVESTMENT ACTIVITY IN THE AGRICULTURE BRANCH AND ITS DETERMINING FACTS," *International Finance and Accounting*. Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Хусанов Д.Н. - ТДИУ
докторанти, и.ф.н., доц**

АГРАР СОҲА ТАРМОҚЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАРИ

Мақолада аграр тармоқни барқарор ривожланишини таъминлаш, инвестицион фаолликнинг моҳияти ва унинг белгиловчи омиллари кўрсатилган.

Ключевые слова: инвестиции, активы, реальные инвестиции, финансовые инвестиции, сельское хозяйство, инвестиционная деятельность.

The article deals with a wide range of measures are implemented on a regular basis, liberalization of the economy in order to ensure sustainable development of the agricultural sector.

Key words: investment, asset, real investment, financial investment, agriculture, investment activity.

В статье рассматривается широкий спектр мер по либерализации экономики в целях обеспечения устойчивого развития аграрного сектора.

Калит сўзлар: инвестиция, актив, реал инвестиция, молиявий инвестиция, қишлоқ хўжалиги, инвестицион фаоллик.

Кириш

Мамлакат иқтисодиётида тармоқлар мутаносиблигини таъминлаш муҳим вазифалар сирасига киради. Айниқса, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлашда ва унинг захирасини шакллантиришда аграр соҳанинг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади[1].

Шундай экан, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш республикамиз қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш, унинг иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда унинг тараққиётига хизмат кўрсатувчи турли инфратузилма субъектлари фаолиятларини кооперациялаш асосида соҳани модернизациялаш талабларига мос таркибий-ташкилий ислоҳ қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифалар сирасига киради, десак ҳеч бир муболаға бўлмайди.

Хусусан, ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тажрибалари майда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш субъектларида молия маблағларининг камлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги, инвестициялаш борасида имконият ва жозибдорлигининг пастлиги ва бошқа сабабларга кўра улар фаолиятида модернизациялаш жараёнларинисамарали ташкил этиш ўта мураккаб эканлигини кўрсатмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, фермер ва деҳқон хўжаликларида мулкчилик ва мулкрий муносабатларнинг бозор иқтисодиёти

талабларига мослигига қарамасдан, амалиётнинг кўрсатишича, уларнинг ҳозирги ўлчами, яқка тартибда тарқоқ фаолият юритиши ва молиявий заифлиги шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга асос бўладиган техниктехнологик қайта қуроллантириш тадбирларини амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини барқарор ўстириш мураккаб жараёндир. Демак, аграр соҳадаги таркибий-ташкилий ислохотларнинг кейинги босқичларида “корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Шунинг назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Аграр тармоқни барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кенг қамровли тадбирларни мунтазам равишда оширилиб боришни тақозо этади. Ана шундай муҳим тадбир ва йўналишлардан бири қишлоқ хўжалигида самарали ишлаш механизми мураккаб бўлган инвестиция фаолиятини ташкил этиш, инвестиция муҳити, жараён, салоҳияти, фаоллиги ва жозибadorлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 4 августдаги имзоланган ПФ-5134 фармони Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш кўзда тутди. Инвестиция фаоллигини оширишдаги асосий имконият унинг қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг кескин камайиб кетмаслиги, бугунги кунда шаклланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун барча шарт шароитларнинг мавжудлигидир. Инвестиция фаоллигини оширишда муҳим омил бўлиб, келажакда фермер хўжаликларнинг устувор ривожланишини таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу вазифани самарали бажариш учун ҳозирги ҳолатни чуқур ўрганиш талаб этилади. Мазкур мақола айнан шу масалага бағишланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва молиялаштириш самарадорлигини ошириш масалаларининг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан, хусусан, европа олимлари инвестициядан самарали фойдаланишда фермер хўжаликларнинг ўрни бўйича назарий ва методологик асослари ўз илмий ишларида олиб борганлар Max Weber [2] ва ҳозирги замон тадқиқотчи олимлари Karen E., Steve Padgett Vásquez, Jaap Jan Schröder, Dunstan Gabriel Msuya, Mohamed Ali Mohamed, Tilman, D., Cassman, K.G., Matson, P.A., Naylor, R. and Polasky, S, Kotschi, J, Gerbens-Leenes, P.W. and Nonhebel, S., Oleson, J.E. and Bindi, M. [3-10]. Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш масалаларининг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоулар ўз изланишларида қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда ривожлантириш стратегияси бўйича олиб борилаётган ислохотларни Хитой

тажрибаси асосида тадқиқ этишган бўлса[11], И.Н.Буздалов Россия давлатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ислохотлари тўғрисида[12], И.Санду қишлоқ хўжалигини фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ривожлантиришнинг ўзига хос усуллари ва унинг самарадорлиги тўғрисида[13], Utkur Djanibekova, Robert Fingerb қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти ва уларни давлат дастурига киритиш бўйича тадқиқотлар олиб боришган[14]

Маҳаллий олимлардан А.Абдуғаниев қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодиётдаги роли, аҳамияти ва уни самарадорлигини ошириш бўйича[15], А.М.Жўраев мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги бўйича олиб борилган иқтисодий ислохотлар тўғрисида[16], қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш бўйича Р.Ҳ.Хусанов, Р.Дўстмуродов[17], Қ.АЧориев, Н.С Хушматов. [18] С.Р.Умаров, [19] С.Тўхтаева, [20] Б.Т.Шахриёров,[21] Г.Н.Махмудова [22] ва бошқаларнинг илмий изланишларида баён этилган.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақоланинг мақсади аграр соҳада инвестицион фаолликни ривожлантириш ва муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш.

Инвестициялар қуйидагича фарқланади: 1) асосий воситаларга (капитал) – капитал қўйилмалар ёки реал инвестициялар; 2) қимматбаҳо қоғозларга – портфелли инвестициялар; 3) давлат, хусусий ва хорижий.

Аммо ушбу тадқиқотларга таянган ҳолда аграр ислохотларнинг ҳозирги босқичида республикамизнинг иқтисодиёти олдига қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва самарадорлиги муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан илмий ўрганишлар муҳим аҳамият касб этсада, ҳозирги иқтисодиётни жадал ривожланиши шароитида юзага келадиган илмий муаммоларнинг юқорида келтирилган иқтисодий адабиётларда етарлича тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзу бўйича тадқиқот олиб боришга асос бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлаш қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;


- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига. Қишлоқ хўжалиги табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши; чунки, аксарият ҳолларда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун етмайди, оқибатда кўзланган мақсадга эришилмайди; бу ҳол инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга чўзилишига олиб келади;

- чет эл инвесторларини ва уларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигига жалб этиш; бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим.

Инвестицион фаолият кўп даражали хусусиятга эгаки, бу, биринчи навбатда, инвестицион фаолият субъектларининг турли даражаси мавжудлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун инвестицион фаолиятга таъсир кўрсатадиган омилларни кўриб чиқишда, шунингдек, кўп даражали ёндошувга риоя қилиш талаб этилади.

Биз аграр соҳада инвестицион фаолиятнинг тўртта даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- минтақавий даражаси;
- ҳудуднинг аграр тармоқ даражаси;
- аграр саноат даражаси.



1-расм-Аграр соҳада инвестицион фаолият даражаларининг омиллари[23]

Инвестиция фаоллигини оширишда деҳқон ва фермер хўжаликларнинг устувор ривожланиши энг асосий омил ҳисобланади. Чунки бу ерда бозор тамойилларига мос инвестор-инвестициядан фойдаланувчининг ўзаро манфаатлари тўлиқ мос келадиган инвестиция муҳити шаклланади. Инвестицияга бўлган талаб субъект деҳқон-фермер хўжаликлари ҳар томонлама инвесторлар улар доимо инвестиция маблағларига эҳтиёж сезсалар, иккинчидан эса инвесторлар маблағларини жалб этиш орқали даромад олишларининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Республикада янги инвестицион механизмини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилди. Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу жараёни иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодиётни барча тармоқларида содир бўлган ўзгаришлар ва бозор муносабатларининг шаклланишига кўра инвестицион фаолликни бир неча босқичларга бўлиб таҳлил этиш назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция фаоллигини оширишнинг хўжаликларнинг ички салоҳияти, имкониятлари ва инвестицияларга бўлган талаб даражасининг ҳолатини ўрганиш асосида, уларнинг ташқи омиллар билан қай даражада ўзаро мутаносиблиги ёки

мос келишини таққослаш мумкин. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжаликлар, хусусан, фермер хўжаликлари фаолиятининг ривожланганлик даражаси кўра турлича бўлиб уларни 3 тоифага бўлиш мумкин.

Биринчи тоифа, янги ташкил этилган фермер хўжаликни мустақил бирламчи бошқариш ва унинг фаолиятини мустаҳкамлаш жараёнини бошидан кечираётган моддий-молиявий ресурсларга муҳтож фермерлардир.

Иккинчи тоифа маълум даражада амалий тажрибага эга бўлган ва молиявий натижаларга кўра фойда олиш ҳамда ўртача рентабеллик даражасига эришган, бироқ ўз-ўзини инвестиция билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган фермерлардир.

Учинчи тоифага илғор фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, интенсив ривожланишига эришган, зарур моддий техника воситаларига эга бўлган, бозорга сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлашни қисман йўлга қўйган ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган, ўзини-ўзи ички ресурслар ҳисобига асосан молиявий маблағлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлган хўжаликлар.

Республикада фаолият юритаётган фермерларнинг асосий қисмини биринчи ва иккинчи тоифаларга киритиш мумкин. Бу инвестиция жараёнларни ривожлантириш устувор вазифа эканлигини кўрсатмоқда. Инвестиция фаоллигини ошириш стратегияси ана шу иккита турли тоифага кирувчи хўжаликларни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилмоғи керак. Биринчидан, фермер хўжаликларни ресурслар бозорига жалб этиш ва даромадли фаолият соҳасини ривожлантириш орқали инвестиция фаоллигини оширишнинг иқтисодий стратегиясини шакллантириш, иккинчидан, эса янги ташкил этилган амалий тажриба ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ички ресурслари чекланганлиги ёки эга бўлмаган фермерларни қўллаб-қувватлаш учун мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш зарур.

Иккала устуворликни амалиётда қўллашда юқорида таъкидлагани фермер хўжаликларнинг тоифалари нуқтаи назаридан табақавий ёндашув талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида фикримизча, инвестиция фаоллигини оширишда, дастлаб бевосита тармоқда ва хўжаликларда мавжуд бўлган маҳаллий ресурсларни жалб этишга устуворлик берилиши лозим.

- инсон капитали;
- ижтимоий капитал;
- табиий капитал;
- жисмоний капитал;
- молиявий капитал.


Қишлоқ хўжалигида, асосий устувор ривожланишига эга бўлган фермер хўжаликларнинг асосий қисмини давлат буюртмасини бажариш, уларни пахта, ғалла каби асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий маблағлар билан қисман таъминлаш имкониятини берса-да, кенг қамровли фаолиятини ташкил этиш, моддий шарт-шароитини яхшилашлари учун қўшимча

даромад манбаи яратишлари учун инвестицияларнинг етишмаслиги кўриниб турибди.

Муаммони ҳал этишнинг йўлларида бири бу қишлоқ жойларда микромолиялаш ташкилотларини кўпайтириш ва ривожлантириш ҳамда уларни кўллаб-қувватлашдир. Бу йўналишда республикада кўплаб тадбирлар амалга оширилди, йилдан-йилга фермер хўжаликлар сони кескин ошиб келмоқда. Зеро, фермер хўжаликларнинг ривожланиши микромолиялаш ташкилотларига боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этишда макроиқтисодий сиёсат ҳолат ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда ҳуқуқий-ташкилий-иқтисодий механизмлар қанчалик такомиллашган бўлмасин, ҳудудлар даражасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув даражаси, ҳолати тўлиқ инobatга олинмаса, микродаражада бевосита хўжаликларнинг инвестиция фаоллигида самарадорликка эришиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, табиий-иқтисодий, жойлашув, ихтисослашув ва ижтимоий шарт-шароитлари турлича бўлганлиги учун ҳам уларнинг инвестиция маблағлари билан молиялаш манбалари акс этирилган

(2-расм)



2-расм. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари[24].

Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ривожланиш жараёнида юқоридаги келтирилган тўртта манбадан инвестиция фаоллиги, асосан, давлат маблағлари ва қарзга олинган маблағлар ҳисобига таъминланаётган бўлса, ўз маблағлари ва четдан жалб этилаётган маблағлар бевосита хўжаликларнинг иқтисодий фаолиятидаги тўлов қобилятининг пастлиги ва имкониятларнинг чекланганлиги сабабли паст даражада сақланиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги субъектлари инвестиция салоҳиятини мустаҳкамлашда уларнинг ўз маблағлари

манбалари ҳисобланган-фойда, амортизация ажратмалари ва бошқа ички маблағларини кўпайтириш ва қарзларини камайтириш учун маълум муддатли зарур бўладиган даврни яратади ва такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди.

Таҳлиллар

Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида республикамизнинг аграр соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, инфратузилма объектларини такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тармоқ маҳсулотлари етиштирувчиларни сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармояларини жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2003-2015 йиллар мобайнида хорижий давлатлар ва халқаро молиявий муассасаларнинг кредит ва грант маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 1310 млн. АҚШ долларлик 36 та инвестицион лойиҳа доирасида 760,4 млн. долларлик ишлар бажарилиб, 1635 тадан ортиқ ҳар хил гидротехник иншоотлар, 262 км узунликда суғориш тармоқлари қурилди, 274 км хўжаликлараро коллекторлар, 745 км ички хўжалик коллекторлари ва 553 км ёпиқ ётиқ дренажлар реконструкция қилинди.

Шунингдек, 800 га яқин фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига 75 млн АҚШ долларидан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши натижасида 1500 гектардан ортиқ интенсиф боғ ва узумзорлар барпо этилди, 200 гектардан кўпроқ майдонда иссиқхоналар қурилди, умумий ҳажми 5,0 минг тоннадан зиёд бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш цехлари ишга туширилди, умумий сифими 25,0 минг тоннадан кўпроқ бўлган музлаткичли омборхоналар фойдаланишга топширилди ҳамда мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 69 504,2 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 68 906,7 млрд.сўмни (101,9 фоиз), ўрмон хўжалигида – 117,9 млрд.сўмни (101,6 фоиз), балиқ хўжалигида – 479,6 млрд.сўмни (126,8 фоиз) ташкил қилди.


Хусусан, юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (106,6 фоиз), Навоий (104,1 фоиз) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (103,8 фоиз) ва Фарғона (103,3 фоиз) вилоятида кузатилди. Хоразм (100,1 фоиз), Тошкент ва Қашқадарё (100,8 фоиз) вилоятларида эса, аксинча, паст суръатлар кузатилди. Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 13,1 фоизни ташкил етди ва ҳудудларбўйича етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Андижон вилоятлари мос равишда 12,1 фоиз ва 10,7 фоиз кўрсаткич билан Қорақалпоғистон Республикаси (2,8 фоиз), Сирдарё (4,2 фоиз) ва Жиззах (4,9 фоиз) вилоятларида қайд этилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси 1995-2017 йилларда ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг ўсиш тенденциялари

Кўрсаткичлар	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2017 й.
Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши	28,1	30,1	26,3	18	16,6	17,2

Агар жадвал маълумотларига таянадиган бўлсак, 1995 йилда ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши 28,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич мос равишда 17,2 фоизни ташкил этган, яъни қарийиб 11 фоизли пунктга қисқарган. Албатта бундай тенденциянинг пасайиши мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, қишлоқ жойларда янги шаҳарчаларнинг барпо этилиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги ер участкаларининг қисқариши туфайли содир бўлган. Йиллар мобайнида таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур улуш тенденцияси ўтган йиллар оралиғида ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлсада, фаоллик даражаси 2005-2015 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Фақатгина 2017 йилга келиб мутлоқ фаоллик даражаси 0,6 фоизли пунктга ошган.



3-расм. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигини улуши мутлоқ.

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида, фермер хўжаликларнинг устувор ривожланишини таъминлаш орқали тармоқ барқарорлигига эришиш учун икки стратегиядан биринчидан, бевосита қишлоқ хўжалигининг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш моддий-техника базасини замонавий техникалар билан жиҳозлаш, юқори ҳосилдорли экинлар ва маҳсулдор чорва моллари етиштиришни кенг йўлга қўйиш орқали юқори сифатли маҳсулотлар етиштириш ва иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини кенгайтирувчи хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур. Бунинг учун эса қишлоқ хўжалигида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция фаоллиги қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилмоғи лозим:

- қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва институционал шарт-шароитларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларни ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш ва амалга оширишнинг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий-ташкилий ва иқтисодий механизмларни ривожлантириш;

- хорижий инвесторлар маблағларини қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари кенг бўлган соҳалар, минтақалар ва бевосита қишлоқ хўжалигини субъектларига йўналтириш;

- қишлоқ хўжалиги субъектларини жозибадор ва устувор аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ишлаб чиқаришга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва уларни тарғибот қилиш тизимини такомиллаштириш.

Ушбу тамойилларнинг амалиётга жорий этилиши бевосита хорижий инвестицияларни қишлоқ хўжалигига кенг жалб этиш, тармоқнинг инвестиция фаоллигини ошириш ва пировардида унинг барқарор ривожланишига эришишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжаликларнинг устувор ривожлантиришда қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ҳал қилишнинг энг муҳим омили ва шарт-шароитларидан бири бу инвестиция фаоллигини янада ошириш ҳисобланади. Инвестициялар тармоқни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва аграр соҳани барқарор ривожланишининг муҳим шarti бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигида институтационал ўзгаришларни амалга ошириш билан бир қаторда соҳага кенг қамровли инвестицияларни олиб кириш, қишлоқ хўжалигига кенг кўламда йўллаш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳозирги ислохотлар босқичида амалга оширилаётган агар сиёсатнинг асосини ташкил қилмоғи лозим.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида фаол инвестиция сиёсатини олиб боришда соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион прогнозлар ва дастурлар, бизнес режалар ишлаб чиқиш ва баҳолаш, инқироз шароитида инвесторлар топиш, рақобат, инфляция, бозор конъюнктурасининг номўътадил шароитларида лойиҳаларни бошқариш учун янги билим ва тажрибалар талаб қилинади. Бунда кадрларнинг билими, малакаси, савияси етарли бўлмаган мутахассислар ҳисобига шаклланганлиги инвестиция бизнеси ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Инвестиция сиёсатида соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодий, техник ва қурилиш хўжаликлари бўйича олий таълим муассасаларида инвестиция-инновация йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш;

- инвестиция лойиҳалари ва дастурлари бўйича буюртмачилар, раҳбарлар ва менежерларни мақсадли тайёрлаш;

• қишлоқ хўжалигидаги инвестиция лойиҳалари бўйича шериклар топиш ва бизнес режаларни тўлдириш мақсадида етакчи маҳаллий ва хорижий корхоналарда хўжалик раҳбарларининг малакаларини ошириш.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини ошириш ва қулай инвестиция фаолиятини шакллантириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этишни талаб этади:

➤ қишлоқ хўжалигини инвестициялаш учун капитал маблағларни жалб этишни таъминлайдиган институционал бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш;

➤ қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш;

➤ инвестицияларни жалб этишни ташкилий шакллари такомиллаштириш;

➤ қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва инвесторларнинг уларни асослаш ва қабул қилишдаги иштирокини такомиллаштириш;

➤ инвестициялаш ахборот-маслаҳат ва маркетинг билан таъминлашини ташкил этиш;

➤ Вазирлик ҳузурида Қишлоқ хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш Маркази ташкил этиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ижтимоий ривожлантириш ва рағбатлантириш Фондини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги моддий-техник базасини ривожлантириш ва инновацион технологияларни жорий қилиш, вазирлик ходимларини рағбатлантириш Фондига айлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократи Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. - 15-бет.

2. M. Weber, The Agrarian History of the Ancient World / Weber. - Moscow: Canon C-Press, 2001. S. 429.

3. Steve Padgett Vásquez. Forest cover, development, and sustainability in Costa Rica: Can one policy fit all? // Land Use Policy. Volume 67, 2017, Pages 212–221.

4. Jaap Jan Schröder . The Position of Mineral Nitrogen Fertilizer in Efficient Use of Nitrogen and Land: A Review // Natural Resources Vol.05 No.15(2014), 12 pages.

5. Dunstan Gabriel Msuya. Farming systems and crop-livestock land use consensus. // Open Journal of Ecology. Vol.3 No.7 (2013), 9 p.

6. Mohamed Ali Mohamed. Monitoring of Temporal and Spatial Changes of Land Use and Land Cover in Metropolitan Regions through Remote Sensing and GIS // Natural Resources. Vol.05 No.15(2014), Article ID:52650, 12 pages.

7. Tilman, D., Cassman, K.G., Matson, P.A., Naylor, R. and Polasky, S. (2002) Agricultural Sustainability and Intensive Production Practices. Nature, 418, p. 671-677.

8. Kotschi, J. (2013) A Soiled Reputation: Adverse Impacts of Mineral Fertilizers in Tropical Agriculture. Commissioned by World Wildlife Fund (Germany) to Heinrich BöllStiftung, 58 p.
9. Gerbens-Leenes, P.W. and Nonhebel, S. (2002) Consumption Patterns and Their Effects on Land Required for Food. *Ecological Economics*, 42, 185-199.
10. Oleson, J.E. and Bindi, M. (2002) Consequences of Climate Change for European Agricultural Productivity, Land Use and Policy. *European Journal of Agronomy*, 16, 239-262 p.
11. Лин Цфу, Цой Фан, Ли Чжоу. Китайское чудо: экономическая реформа, стратегия развития. - М., 2001. -68 с.
12. Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). –М., 2000. - 325 с.
13. Санду И.С. Производственные и научно-производственные системы - эффективная форма интеграции науки и производства. –М., 1990. – 73 с.;
14. Utkur Djanibekova, Robert Fingerb Agricultural risks and farm land consolidation process in transition countries: The case of cotton production in Uzbekistan. *Agricultural Systems* 164 (2018) 223–235 <https://www.sciencedirect.com/>
15. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б.
16. Жўраев А.М., Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы –Т.: Узбекистан, 2002. – 766 с.
17. Хусанов Р.Х., Дўстмуродов Р. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Андижон тажрибаси // –Т.: Янги аср авлоди. 2008. – 49 б.
18. Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. – 132 б.
19. Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш: и.ф.н. илм. дар. ол.учун дисс. автореферати: БМА -Т., 2008. -22 б.
20. Тухтаева С. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида инвестицияни жалб этиш самарадорлиги. и.ф.н. илмий дар. ол. учун дисс. автореферати. – Т., 2005.-18 б.
21. Шахриёров Б.Т. Қишлоқ хўжалигида инвестицион фаоллигини оширишнинг асосий йўнлашлари. и.ф.н. илмий дар. ол. учун дисс. автореферати. – Т., 2006.-16 б.
22. Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари. и.ф.н. илмий дар. ол. учун дисс. автореферати. – Т., 2010.-24 б
23. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
24. Khusanov Durbek Nishonovich ACTUAL PROBLEMS OF INCREASING INVESTMENT ACTIVITY IN THE AGRARIAN SECTOR *Journal of Management Value & Ethics* http://jmveindia.com/journal/FINAL_EXTRA_ISSUE_corrected_file_OCT-DEC_17__26.12.17_.pdf
25. Stat.uz сайти маълумотлари
26. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.